

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2023 йил ноябрь ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида,

Раислик этувчи Д.Хонбўтаева,

В.Туксанованинг котибалигида, Зарафшон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси З.Халилов, судланувчи Ж.Маманазаров, жабрланувчилар Ж.Тўхсанов, Ж.Рустамов ва С.Сирожова, фуқаровий даъвогар Ж.Эшмаматовнинг иштирокида, Маманазаров Жавлонбек Жўрабек ўғлига нисбатан 1-2102-2301/66 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди, иш хужжатларига кўра:

Маманазаров Жавлонбек Жўрабек ўғли (*Mamanazarov Javlonbek Jo`rabek o`g`li*) 10.01.2001 йилда Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ишсиз, Зарафшон шаҳар, 2-кичик туман, 28-уй, 60-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 13 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш хужжатларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Маманазаров Жавлонбек Жўрабек ўғли (*Mamanazarov Javlonbek Jo`rabek o`g`li*) 2023 йилнинг 4 июль куни соат 15:45 да, ўзининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 85С625 КА давлат рақам белгили автомашинани Томди тумани ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятига эга бўлган А 379 автомобил йўлининг “Учқудуқ-Зарафшон” йўналиши бўйича 211-212-километрлари оралиғидан бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кундаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2022 йил 1 май кунидан амалга киритилган «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 12-банди *Ҳайдовчига қуйидагилар тақиқланади: транспорт воситасини спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати*



хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш; 79-банди Аҳоли пунктларидан ташқарида: енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўлиқ вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмадан; 77-банди (Ҳайдовчи ҳаракатланишининг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўришни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф тугдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.) 82-банди Қувиб ўтишни бошлашдан олдин ҳайдовчи чапга бурилишни билдирувчи ишорасини ёқиб: ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўли эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф тугдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслиги кераклиги тўғрисидаги бандларини бузиб, ўзидан аввал бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётган фуқаро Тўхсанов Жўрабек Рустамовичнинг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли 85V238DA давлат рақам белгилли автомашинани орқа ўнг тараф зарбқайтаргичидан уриб юбориб, ҳар иккала автомашиналар йўлнинг чўл худудига чиқиб кетиб, ағдарилиб кетиши натижасида йўл транспорт ҳодисаси содир қилган.

Натижада, “Нексия 2” русумли 85V238DA давлат рақам белгилли автомашина ҳайдовчиси Тўхсанов Жўрабек Рустамовичга Томди тумани СТЭБнинг 04.07.2023 йилдаги 29-сонли хулосасига кўра “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати”, ушбу автомашина орқа йўловчи ўриндиғида бўлган 09.02.2012 йилда туғилган вояга етмаган Рустамов Жонибек Жўрабековичга Томди тумани СТЭБнинг 04.07.2023 йилдаги 30-сонли хулосасига кўра “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати”, шунингдек ушбу автомашина орқа йўловчи ўриндиғида ўтирган Сирожова Саодат Вахобовнага Томди тумани СТЭБнинг 21.07.2023 йилдаги 28-сонли хулосасига кўра “Енгил” тан жароҳати, 30.01.2017 йилда туғилган вояга етмаган Рустамов Жавлонбек Жўрабековичга Томди тумани СТЭБнинг 07.07.2023 йилдаги 31-сонли хулосасига кўра “Соғлиқни бузилишга олиб келган Енгил тан жароҳати етказган.

Бундан ташқари, Ж.Мамазаров йўл транспорт ҳодисаси содир этиши натижасида Тўхсанов Жўрабек Рустамовичга тегишли бўлган “Нексия” русумли 85V238DA давлат рақамли транспорт воситасига “Аббос” хусусий корхонасининг 24.06.2023 йилдаги 137/307-сонли ва 10.07.2023 йилдаги 137/337-сонли далолатномаларига кўра, 41.050.000 сўм миқдорида моддий зарар, отаси Эшмаматов Жўрабек Махмазаровичга тегишли бўлган



“Ласетти” русумли 85C625KA давлат рақамли транспорт воситасига 33 830.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ж.Маманазаров айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 5 июнь куни соат 08:30 да Орзикулова Дилдора исмли ушбу хусусий фирмада тарғибот қилиш билан шуғулланувчи аёл билан бирга унинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли автомашина билан Учқудук туманига бориб келиш учун йўлга чиққани, Учқудук туманида ишларини битириб, соат 14:30да Учқудук туманидан Зарафшон шаҳрига келиш учун йўлга чиққани, автомашина рул бошқарувида у, автомашина олд йуловчи ўриндиғида эса Д.Орзикулова ўтиргани, у ушбу автомашинани соатига 110 километр тезлик билан бошқаргани, ушбу йулни 212-211 километрлари оралиғидан бошқариб кетаётганида унинг автомашинаси йуналиши бўйича улардан олдинда оқ рангли “Нексия 2” русумли автомашина ҳаракатланиб кетаётгани, ушбу автомашина ортидан бошқарувидаги автомашина ҳаракатланиб келиб, 10 метр масофа қолганда қувиб ўтмоқчи бўлгани ва чап ён тарафга бурилиш чироғини ёқиб, қувиб ўтиб кетмоқчи бўлгани, бироқ, у бошқарувидаги автомашина билан ундан олдинда ҳаракатланиб кетаётган “Нексия” русумли автомашинага яқин масофага бориб қолгани учун унинг автомашинаси олд ўнг томон зарб қайтаргичи ва капоти билан “Нексия” русумли автомашина орқа чап томон зарбқайтаргичи ва чироқларига урилиб, натижада унинг бошқарувидаги автомашина ҳаракат йўналишига нисбатан йўлнинг чап томон чўл ҳудудидига, “Нексия” русумли автомашина эса ўнг томон чўл ҳудудига чиқиб кетиб, думалаб кетгани ва йул транспорт ходисасини содир қилгани, сўнг, автомашинадан тушиб, Д.Орзикуловага қараганида у киши бошидан автомашина олд ойнасига урилиб, тан жароҳати олгани, сўнг, ЙТХ га учраган “Нексия” автомашинаси ҳайдовчиси ёнига келиб, автомашинасида унинг автомашинасини ортидан бориб уриб, ЙТХ содир қилгани учун уни юзидан ва орқасидан ургани, сўнг, йўлдан ўтиб кетувчи йўловчилар тез тиббий ёрдамга кўнғироқ қилиб, ҳодиса жойига чақиритилгани, тез тиббий ёрдам ходимлари етиб келишиб, “Нексия” автомашинасидаги тан жароҳати олган йўловчиларни ва уни автомашинасидаги Д.Орзикуловани шаҳар шифохонасига олиб кетишгани, ИИБ ходимлари ҳодиса жойига етиб келиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, автомашинани 110 километр тезлик билан бошқариб келгани, у бошқарувидаги автомашина билан ушбу “Нексия-2” русумли автомашинаси ортидан бошқариб келиб, 10 метр масофа қолганида чап томонга бурилувчи ён чироқларни ёқиб, қувиб ўтиш манёврини амалга оширишни бошлагани, бироқ, яқин масофага бориб қолгани учун бошқарувидаги автомашина олди билан ушбу “Нексия-2” автомашинаси ортидан урилиб, натижада йўлдан чиқиб кетгани ва ЙТХ содир бўлгани, у автомашинасини бошқариб бораётган вақтида ҳеч нарсага чалғимагани, автомашинаси билан қувиб ўтишда масофани яқин олиб, эътиборсизлиги учун уриб юборгани, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга имконияти йўқлигини, оилада бир ўзи ишлашини, асосий тирикчилиги ҳайдовчилик эканлигини, оилавий шароитини инобатга олиб,



унга нисбатан қонуний енгиллик беришни ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинламасликни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ж.Маманазаровнинг айби ўзининг иқдорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили, фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувлари ҳамда қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Ж.Тўхсанов ўз кўрсатмасида, 2023 йил 5 июнь куни ишдан дам олиш куни бўлиб, оила аъзолари билан бирга бошқарувидаги автомашина билан Учқудуқ туманида жойлашган “Қанарбой ота” зиёратгоҳига боргани, эрталаб соат 05:00 да Зарафшон шаҳридан чиқиб, соат 08:00 га зиёратгоҳга етиб боргани ва тушликка қадар шу ерда бўлиб, соат 12:45 да зиёратгоҳдан Зарафшон шаҳрига қайтиб келиш учун йўлга чиққани, автомашинани ўзи бошқариб келгани, турмуш ўртоғи эса автомашина орқа ўнг томон йўловчи ўриндиғига ўтиргани, турмуш ўртоғининг чап томонида, яъни орқа ўрта ўриндикда кенжа ўғли Жавлонбек ва унинг чап томонида, яъни ҳайдовчи ўриндик ортидаги йўловчи ўриндикда тўнғич ўғли Жонибек ўтиргани, шу куни у Учқудуқ туманидаги газ ёқилғисини қуйиш шаҳобчасига кириб чиқиб, шундан Зарафшон шаҳрига бориш учун йўлга чиққани, автомашинани ўртача тезликда бошқариб келаётганида бирдан улар келаётган автомашина ортидан бошқа бир автомашина келиб урилгани ва автомашинасининг орти кўтарилиб, у автомашина тормозини босишига қарамай уларни автомашина йўлдан чиқиб кетиб, йўлнинг ўнг томон чўл ҳудудига чиқиб кетиб думалаб кетгани, шундан сўнг, йўлни қумлик ҳудудига бориб тўхтаб том қисми ерга қараган ҳолатда тўхтагани, сўнг, улар автомашина салонидан чиқиб, у фарзандларини ва турмуш ўртоғини йўлга чиқариб, Учқудуқ туманидан келаётган йўловчи “Кобалт” русумли автомашина билан Зарафшон шаҳридаги шифохонага юборгани, ўзи эса тез тиббий ёрдам автомашинасида шифохонага етиб боргани, турмуш ўртоғи ва ўғиллари билан шифохонага етиб келганидан сўнг, тўнғич ўғли Жонибекни қўлларида тан жароҳати олганлигини билгани, кейинчалик кўзини кўриш даражаси ҳам пасайгани, кенжа ўғли эса боши ва белидан тан жароҳати олгани, турмуш ўртоғи эса бошидан тан жароҳати олгани, турмуш ўртоғининг хомиласи нобуд бўлгани, улар уч кун давомида Зарафшон Тиббий санитария қисмида даволаниб, сўнг Бухоро шаҳридаги “Шифокор” номли хусусий клиникасида 11 кун даволангани, ушбу ҳодиса содир бўлганидан сўнг, уларни ортидан ўзининг “Ласетти” русумли автомашина ҳайдовчиси Маманазаров Жавлонбек исмли бола ундан ва турмуш ўртоғидан узр ҳам сўрамагани ва уларга даволаниши учун кетган дори-дармонларни олиб ҳам бермагани, 05.06.2023 йилда улар ҳаракатланиб келаётганида ортидан “Ласетти” русумли автомашина ҳаракатланиб келиб урилганида уларни қарама-қарши томонидан, яъни Зарафшон шаҳридан Учқудуқ туманига қараб бирор бир автомашина ҳаракатланиб келмагани, суддан автомашинаси учун етказилган 41.050.000 сўм



зарарни, ўзи, турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун кетган дори дармонлар учун етказилган 16 млн сўмдан зиёд моддий зарарни ундириб беришни ва судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Ж.Рустамовнинг қонуний вакили С.Сирожова ўз кўрсатмасида, 09.02.2012 йилда туғилган вояга етмаган Рустамов Жонибек Жўрабекович тўнғич ўғли, 30.01.2017 йилда туғилган Рустамов Жавлонбек Жўрабекович кенжа ўғли ҳисобланиши, турмуш ўртоғи Тўхсанов Жўрабек НКМК АЖ МКБ АТБ да ишлаб келиб, ишдан бўш вақтида Зарафшон шаҳар ва шаҳар атрофига киракашлик билан шуғулланиб келишини, 2023 йил 5 июнь куни у учун ҳар доимгидек кун бўлиб, шу куни турмуш ўртоғининг дам олиш куни бўлгани сабабли улар оила аъзолари билан бирга турмуш ўртоғининг бошқарувидаги автомашина билан Учқудуқ туманида жойлашган “Қанарбой ота” зиёратгоҳига боргани, шу куни эрталаб соат 05:00 да Зарафшон шаҳридан чиқиб, соат 08:00 га зиёратгоҳга етиб боргани ва тушликка қадар шу ерда бўлиб, соат 12:45 да зиёратгоҳдан Зарафшон шаҳрига қайтиб келиш учун йўлга чиққани, автомашинани турмуш ўртоғи бошқариб келгани, у эса автомашина орқа ўнг томон йўловчи ўриндиғига ўтиргани, унинг чап томонида, яъни орқа ўрта ўриндиқда кенжа ўғли Жавлонбек ва унинг чап томонида, яъни ҳайдовчи ўриндиқ ортидаги йўловчи ўриндиқда тўнғич ўғли Жонибек ўтиргани, шу куни турмуш ўртоғи Учқудуқ туманидаги газ ёқилғисини қуйиш шаҳобчасига кириб чиқиб, шундан Зарафшон шаҳрига бориш учун йўлга чиққани, турмуш ўртоғи автомашинани ўртача тезликда бошқариб келаётганида бирдан улар келаётган автомашина ортидан бошқа бир автомашина келиб урилгани ва автомашина орти кўтарилиб, турмуш ўртоғи автомашина тормозини босишига қарамай уларни автомашина йўлдан чиқиб кетиб, йўлнинг ўнг томон чўл худудига чиқиб кетиб думалаб кетгани, шундан сўнг, йўлни қумлик худудига бориб тўхтаб том қисми ерга қараган ҳолатда тўхтагани, сўнг, улар автомашина салонидан чиқиб, турмуш ўртоғи уларни йўлга чиқариб, Учқудуқ туманидан келаётган йўловчи “Кобалт” русумли автомашина билан Зарафшон шаҳридаги шифохонага юборгани, тўнғич ўғли Жонибек қўлларидан тан жароҳати олганлигини, кейинчалик кўзини кўриш даражаси ҳам пасайгани, кенжа ўғли эса боши ва белидан тан жароҳати олгани, ўзи эса бошидан тан жароҳати олгани, бундан ташқари хомиласи нобуд бўлгани, улар уч кун давомида Зарафшон Тиббий санитария қисмида даволаниб, сўнг Бухоро шаҳридаги “Шифокор” номли хусусий клиникасида 11 кун даволангани, ушбу ЙТХ натижасида унинг 8 ҳафталик хомиласи тушгани, “Ласетти” русумли автомашина ҳайдовчиси Маманазаров Жавлонбек улардан хол аҳвол сўрамагани, дори-дармонларни олиб ҳам бермагани, суддан оилавий даволанганлиги яъни, ўзи, турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзандлари даволангани учун 16 млн сўмдан зиёд сарфлангани, етказилган зарарни ундириб беришликни ва судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар Ж.Эшмаматов ўз кўрсатмасида, 2022 йил октябрь ойида автокредит асосида “Ласетти”



русумли 85 С 625 КА давлат рақам белгили автомашина сотиб олиб, ушбу автомашинани ўзининг номига расмийлаштириб, ўғли Маманазаров Жавлонбек шу вақтдан буён ушбу автомашинани суғурта полиси орқали бошқариб келгани, у Зарафшон шаҳар ва шаҳар атрофи бўйлаб киракашлик фаолияти билан шуғулланиб келишини, киракашлик билан шуғулланиш учун эса 2023 йил апрель ойида Зарафшон шаҳар Давлат хизматлари марказидан лицензия олгани, 2023 йил 05 июнь куни тушликдан сўнг соат 15:00 дан сўнг унинг қўл телефонига кўнғироқ қилиб, Учқудуқ туманидан Зарафшон шаҳрига бошқарувидаги “Ласетти” русумли автомашина билан келаётганида ўзидан аввал ҳаракатланиб кетаётган “Нексия-2” русумли автомашинани ортидан уриб юборганлигини ва йўлдан чиқиб кетиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлигини айтгани, сўнг, у шу заҳоти Хатирчи туманидан Зарафшон шаҳрига бориш учун йўлга чиқиб, соат 18:00 да етиб келгани, ўғли Жавлонбек билан учрашганида у унга телефон орқали айтган гапларни сўзлаб бергани, яъни шу куни автомашинани бошқариб келиб, ўзидан аввал ҳаракатланиб кетаётган “Нексия-2” русумли автомашинани қувиб ўтиш учун ҳаракатланиб бориб, яқин масофага бориб, ушбу автомашина ортидан уриб юборганлигини тушунтириб бергани, ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида унинг номига расмийлаштирилгани ва ўғлининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашинага жами бўлиб, 33.830.000 сўм миқдорда моддий зарар етказилгани, бугунги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи Ж.Маманазаровнинг айби жиноят ишида мавжуд бўлган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси, тушунтириш хатлари, суд тиббий экспертиза хулосаси, судга оид транспорт трассология экспертизаси хулосаси, судга оид автотехник экспертизаси хулосаси билан тўлиқ исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Маманазаровнинг жинойи ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб топади, чунки, у амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12, 77, 79 ва 82-бандларини бузиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилиб, фуқаролар Ж.Тўхсанов, Ж.Рустамов ва С.Сирожовага ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган, шунингдек, Ж.Тўхсанов бошқарувидаги “Нексия 2” русумли 85V238DA давлат рақам белгили транспорт воситасига 41.050.000 сўм, отаси Эшмаматов Журабек Махманазаровичга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 85С625КА давлат рақамли транспорт воситасига 33 830.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи Ж.Маманазаровнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топади, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.



Шу асосларга кўра, Ж.Маманазаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 3-бандига ва Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмаси талабига амал қилиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқrorлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлигини, бироқ жабрланувчиларга етказилган зарарни қопламаганлигини ва уларнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан 45-моддасини қўллаб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни ва қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, жабрланувчи Ж.Тўхсановга автомашинасига етказилган 41.050.000 сўм моддий зарарни ҳамда жабрланувчилар Ж.Тўхсанов ва С.Сирожованинг соғлиғига етказилган 16.647.160 сўм моддий зарарни судланувчи Ж.Маманазаров ҳисобидан ундиришликни;

жабрланувчилар Ж.Тўхсанов ва С.Сирожовага етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни;

фуқаровий даъвогар Ж.Эшмаматовга етказилган 33 830.000 сўм моддий зарар қопланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>-моддаларига мувофиқ, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Маманазаров Жавлонбек Жўрабек ўғли (*Mamanazarov Javlonbek Jo`rabek o`g`li*) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга шу моддага асосан 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил 6 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Иш бўйича қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ж.Тўхсановга автомашинасига етказилган 41.050.000 сўм моддий зарар ҳамда жабрланувчилар Ж.Тўхсанов ва С.Сирожованинг



соғлиғига етказилган 16.647.160 сўм моддий зарар судланувчи Ж.Мамазаров хисобидан ундирилсин.

Жабрланувчилар Ж.Тўхсанов ва С.Сирожовага етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар 20 сутка ичида, судланувчи унга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест беришга ҳақлидир.

Раислик этувчи:

Д.Хонбўтаева

Раислик этувчи:           имзо  
Аслига тўғри

Д.Хонбўтаева

